

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий газетаси

2002 йил
5 декабр
пайшанба
№ 48 (304)
МАХСУС СОН
Сотувда
эркин нархда
1996 йилнинг
январидан
нашр этилади



8 декабр
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси кун

**Конституциямиз
энг илғор ғояларни
ўзида жо этганини,
унинг энг
демократик анъаналар
асосида яратилганини
бугунги кунда бутун жаҳон
тан олмоқда. Унинг
ҳаётбахш таъсирини
ҳар қадамда сезиб турибмиз.
Ислон КАРИМОВ**

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯСИ

**У собиқ иттифок
республикалари ичида
биринчи бўлиб,
1992 йилнинг 8 декабрида
қабул қилинган**

I. 1990 йилнинг 24 мартда бўлиб ўтган республика Олий Кенгаши сессияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва ҳафсизлигини таъминлаш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида Президентлик бошқарувини таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Ислон Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди.

Ушбу сессияда янги Конституция ишлаб чиқиш ғояси илғари сурилди. Чунки собиқ иттифок даврида қабул қилинган, 1989 йилнинг октябрида яна 46 та ўзгартириш ва қўшимча модда киритилган амалдаги Конституция шиддатли равишда ўзгариб бораётган давр талабларига жавоб бера олмас эди.

II. 1990 йилнинг 20 июнида Олий Кенгаш ҳузурида янги Конституция тайёрлаш бўйича комиссияси тузилди. Конституция комиссиясига Президент Ислон Каримов раис этиб сайланди.

III. 1991 йилнинг 12 апрелида Конституция комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислон Каримов ишчи гуруҳ олдида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, миллий ўзига хос хусусиятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир халқаро ҳужжатлар ҳамда демократик давлатларнинг конституция тажрибасидан келиб чиқиб, кўпмингйиллик давлатчилигимиз тарихига таянган ҳолда янги Конституция концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини қўяди.

IV. 1991 йилнинг ноябрида янги Конституциянинг дастлабки лойиҳаси тайёр бўлади. Президент Ислон Каримов ва у киши раҳбарлигидаги комиссия аъзолари лойиҳа устида икки йил давомида ишлашади.

V. 1992 йилнинг июлида Олий Кенгаш сессиясида, сентябрда эса Конституция комиссиясининг навбатдаги мажлисида мазкур лойиҳа кўриб чиқилади ва умумхалқ муҳокамасига тавсия этилади.

VI. Янги Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Ҳафсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши сингари халқаро ташкилотлар, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва бошқа тараққий топган мамлакатлар экспертлари томонидан кўриб чиқилиб, ижобий хулоса берилгач, 1992 йилнинг 26 сентябрида республикаимиз матбуотида эълон қилинади — умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

VII. Фуқароларнинг таклиф ва истақларидан келиб чиқиб, Президент Ислон Каримов ва ишчи гуруҳ лойиҳани қайта кўриб чиқишади. Лойиҳа 1992 йилнинг 21 ноябрида иккинчи мартаба матбуотда эълон қилинади.

VIII. 1992 йилнинг 7 декабрида Конституция комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади, унда лойиҳани Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилинади.

IX. 1992 йилнинг 8 декабрида Олий Кенгаш сессиясида модда-модда овозга қўйилган ҳолда Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинади.



Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ

KUCHLI DAVLATDAN —
KUCHLI JAMIYAT SARI

Пўлат САМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирининг
ўринбосари

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, муайян мамлакат ҳудудида нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатиши демократик жамиятни шакллантиришнинг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон танлаган йўл бир томондан халқаро ҳуқуқий мезонларга, иккинчи томондан эса миллий давлатчилигимиз анъаналарига бетақдор равишда уйғунлаштирилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Конституциямизнинг XIII бобида мамлакатимизда жамоат бирлашмаларининг эркин ва фаол ҳаракат қилишлари, уларнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги иштирокини таъминлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари яратилган. Мазкур тизимни шакллантириш демократик жараёнларни фаоллаштириш, кенг халқ оммасини давлат ва жамият ишларини бошқаришга жалб қилишни амалга оширишни назарда тутди.

Конституциямизнинг 56-моддасига асосан касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимлар жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Асосий Қонунимиз жамоат бирлашмаларига ўз уставларида назарда тутилган асосий мақсад ва вазифаларни бажариш имконини кафолатлайди. Бу кафолат фуқароларнинг ихтиёрий уюшишга бўлган ҳуқуқларини рўйбга чиқариш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, Бош Қомусимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш (32-модда), касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш (34-модда) ҳуқуқи кафолатланган.

“Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунда жамоат барлашмаси тушунчаси, мақсади, шакллари, фаолият доира-

си ва ҳуқуқлари, мақоми ва рўйхатга олиниши каби нормалар ўз ифодасини топган.

Жамоат бирлашмалари мақсад ва вазифалари, фаолият кўлами ҳамда иш услубларига кўра бир-биридан фарқ қилса-да, давлат ва жамият ишларини бошқаришда, ҳар хил вазифаларни бажаришда фаол қатнашади. Жумладан, жамоат бирлашмалари қонунда белгиланган тартибда:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини шакллантиришда қатнашадилар;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этадилар;

— давлат ва жамият идораларида эса ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритадилар ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар;

— қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, ўз дастурлари ва низомида кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Жамоат бирлашмаларининг яна бир кўриниши сиёсий партиялардир. Кон-

ри фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бир қанча қонунлар қабул қилинди. “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Конституциянинг 58-моддасига кўра, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Бошқача айтганда, давлат идораларининг жамоат бирлашмалари билан муносабатлари қонун асосида, уларнинг ҳис-туйғулари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борилади. Айни пайтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб этилади.

Асосий Қонунимизнинг 62-моддасига биноан, жамоат бирлашмалари фаолиятини тарқатиб юбориш, таъқиқлаш ва чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.


Конституциямизнинг 57-

ва қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бошқача айтганда, давлатнинг ўзи жамоат бирлашмаларининг тизимини шакллантириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтган 300 дан ортиқ халқаро ва республика миқёсидаги, 3000 га яқин маҳаллий мақомдаги жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда 30 дан ортиқ давлатлар билан дўстлик жамиятлари ташкил этилган бўлиб, улар икки давлат ўртасида турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва маданий-маърифий ришталарни мустаҳкамлашда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Шунингдек, бокс, теннис, кураш, футбол ва бошқа спорт соҳасига оид 40 га яқин федерациялар ташкил қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон спортининг жаҳон миқёсида обрў-эътиборини юксалтиришда, ёшларни соғлом ва ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбия-



ституциянинг 60-моддасига асосан, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Сиёсий партияларнинг фаолияти “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Бугунги кунда мамлакатимизда кенг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати Конституция ва амалдаги қонунлар билан тартибга солинади. Жумладан, жамоат бирлашмала-

моддасида бу тўғрида алоҳида ёзилган. “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушчи, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига таъвоуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади”.

Ўтган ўн бир йил мобайнида жамоат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш

лашда фаол қатнашмоқда. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар ҳам халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, миллий анъана, урф-одатларни сақлаб қолиш ва уларни янгилаш мазмун билан бойитишга салмоқли ҳисса қўшиб келаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини тобора ошиб бормоқда.

MUNOSABAT

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг айтган фикр-мулоҳазалари ҳар биримизнинг дилимизда турган гаплар эканини таҳририятимизга оқиб келаётган хатлар ҳам тасдиқлайди. Бугун биз уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЖАЛҚИМИЗНИНГ ДИЛИДАГИ ГАП

Муҳтарам Президентимизнинг маърузасини тинглаб ўтириб, мен соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тadbиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тadbирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир”, деган ҳикматини қайта-қайта эсладим.

Нимага деганда, Сирдарё вилояти жуда катта имкониятларга эга, лекин бу имкониятлар ўз-ўзидан рўйбга чиқмайди. Бунинг учун кимдир жон куйдириши, кеча-ю кундуз тиним билмай ишлаши, одамларнинг бошини бириктириб, бунёдкорлик ишларига сафарбар этиши керак. Катта бўладими, кичик бўладими, қаерда раҳбар шундай фидойилик кўрсатаётган бўлса, ўша ер обод бўлапти, юксалапти.

Сирдарё вилоятида қишлоқ ҳўжалигини, чорвачиликни, са-

ноатни яхши биладиган, тadbиркорликни ривожлантиришни истаган одамлар жуда кўп. Лекин уларга бош бўладиган, уларни ўз ортидан эргаштириш, пахтачиликни, чорвачиликни, тadbиркорликни ривожлантиришга жон-жаҳди билан киришадиган бир етакчи бўлмади. Шунинг оқибатида бошимиз эгилиб, юзимиз қизарди.

Албатта, янги раҳбар атрофида бирлашиб, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, киндик қонимиз томган заминни янада обод қилиш қийин эмас. Ўйлайманки, бундан бўён вилоятимиз ҳар соҳада доимо пешқадамлар сафига бўлади. Бунга кучимиз ҳам, қўрбимиз ҳам етади. Чунки турмуш фаровонлиги ҳам бевосита шунга боғлиқдир.

Муҳаммад ИСМОИЛ,
журналист

ОҚСАБ ЮРИШ — УЯТ

Аччиқ бўлса ҳам айтиш керак, раҳбар жонкуяр бўлмаса, талабчан бўлмаса, янгиликларни ҳаётга татбиқ этишга қизиқмаса, элининг назаридан қолиб кетади. Чунки ҳаёт қараб турмайди, инсон ўзининг ўтаётган ҳар бир кунидан рози бўлиши, муносиб бир из қолдириши учун тинимсиз ишлаши, изланиши, элим деб, юртим деб ёниб яшаши керак.

Сирдарёда мана шундай фидойилар кўп, лекин барча соғлом кучларни бирлаштириш учун бош котирадиган раҳбарга, минг афсуски, ёлчимадик. Кўнгилчанлик, ўзхотирчиликка берилиш оқибатида ишларимиз орқага кетди. Раҳбар деган доимо, шу иш, шу вилоят менга ишониб топширилган, юз минглаб одамлар менга кўз тикиб турибди, шуларнинг турмушини яхшилашим, бунинг учун уларни орқадан эргаштира олишим, бунёдкорлик ишларига сафарбар этишим керак, деган ўй-хаёл билан яшаши, бу борада биринчи навбатда ўзи ибрат кўрсатиши, ўз вазифасига виждонан ёндашиши даркор.

Ахир, давлатимиз раҳбарининг, халқимизнинг ишончини оқлашдан ортиқ бахт борми?!

Биз нима қилсак, аввало, ўзимиз учун, фарзандларимиз учун қиламиз. Улар биздан кўра яхши яшашини, биздан кўра бахтли бўлишини истаймиз, шундай бўлгач, шунга яраша меҳнат қилишимиз керак.

Давлатимиз раҳбарининг сессиясида кўюниб айтган гаплари ҳар биримизга сабоқ бўлади, деб ўйлайман.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч ким кам бўлмаслик учун эса кўлни-кўлга бериб, ишлашимиз, буни амалда кўрсатишимиз керак.

Авазхон СОДИҚОВ,
иктисод фанлари номзоди

ҲАММАСИ РАҲБАРГА БОҒЛИҚ

Мен жуда яхши эслайман, Президентимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бўён қишлоққа саноатни олиб кириш лозимлигини тинимсиз ўқтириб келади. Андижон, Фарғона вилоятларида қишлоқларда одамлар кичик корхоналар барпо этиб, қандай натижаларни қўлга киритаётганини телевизор орқали кўрганда, бизда нега шундай бўлмаяпти, деб кишига алам қилади. Шундай ният билан юрган, қўлидан иш келадиган тadbиркор ва ишбилармон одамлар бизнинг вилоятимизда ҳам оз эмас. Аммо бу соҳада давлатимиз раҳбари айтганидек, жуда кўп суъий тўсиқлар бор. Шунинг учун бирор кичик корхона очган одам ишни йўлга қўйиб олгунча бошлаган ишидан қўнгли совийди.

Ёки бўлмаса, деҳқонга муносабат масаласини олайлик. Юрбошимиз унга ўз ҳақини ўз вақтида бериш лозим эканини қатъий ўқтирди. Лекин эски замондаги каби “плани дўндириш”га берилган кўпгина раҳбарлар ин-

сонга эътибор масаласини унутиб қўйишди. Мана шунинг оқибатида бошқа соҳаларда ҳам оқсоқлик юзага келади.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, чет эллик ҳамкорлар билан қўшма корхоналар барпо этиш минглаб иш ўринлари яратиш имконини беради. Кичик корхоналар қишлоқ ҳаётига фойда ва барокат олиб киради, мамлакат тараққиётига ҳам ўз улушини қўшади. Бунинг учун вилоят, туман раҳбарлари ота-боболаримизнинг одатига амал қилиб, ҳаракатчан тadbиркорларга “Хорма-бор бўли”-деб, уларни астойдил қўллаб-қувватлаш лозим. Ишлаш учун, тadbиркорлик учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Фақат раҳбарлар қўллаб-қувватлаши, биз эса тиним билмай ишлашимиз даркор. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, юрт янада обод, турмуш эса фаровон бўлади.

Ғулмфозил ҲАМРОЕВ,
тadbиркор

FAXRIYA

САОДАТГА ЭЛТЎВЧИ ҚОМУС



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Халқимиз бугун мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сана — Конституциямиз қабул қилинганининг ўн йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Албатта, ўтган ўн йил ичида халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида жуда кўп муҳим ўзгаришлар юз берди. Асосий Китобимизда таъкидланганидек, ҳуқуқий-фуқаролик жамияти сари дадил қадам қўя бошладик. Бу йўллар, бу йиллар осон кечмади. Неча-неча тўсиқларни босиб ўтишга тўғри келди. Ҳали-ҳамон эсимда, Бош Қонунимиз ижодкори бўлган Юртбошимиз ўн иккинчи қақриқ Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида қабул қилинаётган моддалар, таъбир жоиз бўлса, ясоқларнинг келажакда қуражак жамиятимиздаги бебаҳо аҳамияти ҳақида сўзлаб, унинг жаҳон халқлари конституциялари ичида мукамалларидан бири бўлиши кераклигини, унда улуг халқимизнинг орзу-истаклари, бажаришимиз лозим бўлган юксак вазифаларимиз, бурчимиз ўз ҳаққоний аксини топиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ўша пайтда бу заҳматкаш, буюк халқнинг бир фуқароси, бир шоири сифатида қалбим ғоятда тўлқинланган, кўплаб фикру ўйлар ҳаёлимдан ўтганди. Зеро, ўшанда ҳаётимизда янги, мислсиз бир воқеа юз бераётганди. Мустақиллигининг эълон қилинганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмаган ёшгина мамлакат бу қонунни қабул қилиб, ўз давлат-

чилигининг пойдеворини қура бошлаганини жумлаи жаҳонга ошкор этганди. Бу қомусимиз яқин ўтмишда ҳукм суриб келган собиқ шўро конституциясидан тубдан фарқ қиларди. Таъкидлаш жоизки, шўро конституцияси ҳаётдан йироқ эди. Сохта мафқурани, сохта ватанларварлик ғояларини тарғиб этарди. Яна, сайлаш-сайланиш, умуман сайлов жараёни ҳўжақўрсинга, кўзбўямачилик учун ўтказилар эди. Бунда сайловчининг инон-ихтиёри мутлақо эътиборга олинмасди. Яна бир даҳшатли томони, оддий халқ бу қонунқоидаларни тушуниб етиб, ана шуларни турмушларида татбиқ этишларини бирорта шўро ҳуқуқий идоралари истамас, сирасини айтганда, ҳеч қанча халқ хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашиб ўтирмасди.

Мамлакатимиз ҳуқуқий-фуқаролик жамиятини қуриш учун бел боғлаган экан, бундай давлатни бошқариш кучли қонунларга асосланар экан, фуқароларимиз ҳам ўз мамлакатининг Бош Қонунини ўз аксини топган асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари нималардан иборат эканини тўлиқ билиб олиши мавриди етди, деб ўйлайман. Кўпгина хорижий мамлакатларда бўлганман, кўп хорижий давлатлар қонун билан танишман. Бизнинг қонун китобимиз уларнинг бирортасидан қолишмайди. Ҳатто баъзи жиҳатлари билан ўзади десам, муболаға эмас. Унда мамлакатимизда яшаётган турли миллатга мансуб фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан, қонун томонидан қучли ҳимояланиб қўйилган. Мисол учун айтсак, Конституциямизнинг 18-моддасида **“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир”**, дейилган. Худди ана шунга ўхшаш модда неча юз йиллик мукамал давлат қурилишга эга бўлган Америка Қўшма Штатла-

ри, Англия, Фарангистон, Олмония сингари давлатлар Бош Қомусида ҳам учрайди. Бу дегани бизнинг мамлакатимизда ҳеч бир миллатнинг ҳақ-ҳуқуқи камситилмаган, ҳеч бир миллат бири иккинчисидан устун қўйилмаган. Эҳтимол, мен санаб ўтган улкан давлатларда бошқа оз сонли миллатлар ҳақ-ҳуқуқи оёқости қилинган бўлса, бордир. Аммо бизнинг мустақил давлатимиз эндигона тетапога бўла бошлаган ўша тўқсонинчи йиллар бошиданок унда яшовчи барча халқлар ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимояга олинди. Бошқача айтганда, қонун билан уларнинг ҳавфсизлиги таъминланди. Бу билан нима демокриман? Бош Қонунимиз Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилинишни талаб этади. Ва имтиёзлар фақат қонун билан белгиланади. Қонун олдида эса шоху гадо баробардир.

Конституциямизда фуқаролар бурчлари ҳақида ҳам кўп ва хўп гаплар битилган. Хусусан, 49-моддада **“Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар”**, дейилган. Бу собиқ йўқсуллар иттифоқи томонидан кўпориб ташланган, таг-томири билан узиб ташланмоқчи бўлган неча-неча минг йилликлар ортидаги битмас-туганмас бойликларимиз, маънавий-маърифий хазиналаримиз, “Авесто” га ўхшаган китобларимиз, ўтмишнинг қат-қаридан излаб топиш бетақор тарихий обидаларимиз ва уларнинг кадр-қиймати, аллома ота-боболаримиз қолдирган, неча-неча дунё дорилфунунларида, илмгоҳларида ўрганилишига аризулик бебаҳо дурдоналаримиз мамлакатимиз, халқимиз мулкига айланди демакдир.

Яна фуқароларимиз ҳуқуқ ва бурчларига тааллуқли бўлган 52-моддада **“Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки му-**

қобил хизматни ўташга мажбурдирлар”, дейилган.

Бу гапнинг маъноси нима? Бу ватанга муҳаббат туйғуси эътиқодга айланин, дегани! Ана шундагина ҳар бир фуқаромиз, ҳар бир ёш Ватан олдидаги ўз бурчларини англаб етади. Бурччи тўғри англаб етган инсон қалбида эса буюк келажак яратиш ишқи пайдо бўлади. Бу истак юрагимиздан маҳкам ўрин олса, бу мақсад йўлидан ҳеч қим бизни қайтара олмайди. Бунинг учун ҳар бир юракда орият уйғонмоғи лозим. Ёшларимиз Ватан олдидаги муқаддас бурчларини англаб етишлари учун юксак ориятга эга бўлмоқликлари лозим. Зеро, ориятли, виждонли инсон юрт сарҳадлари, унинг манфаатларини жон тикиб ҳимоя қилишга тайёр туради. Ватан — бизнинг қисматимиздир. Ҳар биримизнинг муроду мақсадимиз, орзу-ҳавасларимиз Ватан гуллаб-яшнасагина рўёбга чиқади. Бу эса, биринчи навбатда, тинчлик-осойишталикка, олдимизга қатта мақсадларни қўйиб, қўлни-қўлга бериб, ҳам-жиҳатлик билан фидокорона меҳнат қилишимизга бевосита боғлиқ. Шу маънода, Конституциямиз бош ижодкори бўлмиш, муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган **қомил инсон, озод ва обод Ватан, Ўзбекистон келажаги буюк давлат** ғоялари барчамизнинг, бутун бир миллатимизнинг манфаатларини ўзида ифода этиб, эзгу интилишларимизда барчамизга қанот бўлади, деб ўйлайман. Бундай буқилмас қанотларимиз эса саодатга элтувчи манзиллар сари толмай-адашмай етиб боришимизда ўз тарихий вазифасини бекаму кўст бажаришига шак-шубҳа йўқ.

ЭЪТИРОФ

Америкалик Дональд С. Карлайнинг эътирофи этишича, Ўзбекистоннинг Конституцияси советлардан кейинги давлатлар — собиқ иттифоқдош давлатлар конституциялари орасида биринчидир. Бошқа барча Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи давлатларида конституциялар кейинроқ, яъни 1992—96 йилларда қабул қилинган. Конституция ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солиди, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради. У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялардан биридир.

Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлод олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустақам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятлар ўз мужассамини топган.

Н. МИШИН,
Россиялик эксперт



Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу қоида таълим тўғрисидаги ва бошқа тегишли қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда янада мустаҳкамланган.

Хўш, Бош Қомусимиз биз талабаларга нима берди ва бу имкониятлардан қандай фойдаланаяпмиз?

Авалло, шуни чуқур мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Конституциямиз биз ёшларнинг камол топишимиз, жамият учун керакли мутахассис бўлиб етишишимиз учун ҳуқуқий замин яратиб берди. Унда ижтимоий ҳаётимизнинг асосий қоида ва тамойиллари ўз ифодасини топган.

Асосий Қонунимиз берган имкониятлар бекиёсдир. Талаба сифатида фикр юритадиган бўлсам, олий таълим тизимидаги барча ўзгариш ва янгилликлар Конституциямиз туфайли рўёбга чиқаётганлигини фахр-ифтиҳор билан таъкидлагим келади. Талабаликка қабул қилишда тест усулининг қўлланилиши, олий таълимда ўқитишнинг икки босқичда амалга оширилиши, таълим жараёнида интернет тизими имкониятларидан фойдаланиш, талабалар билими-

ни назорат қилиб боришнинг рейтинг тизими жорий этилгани, ўқитувчилар касб маҳоратини талабалар томонидан баҳолаб бориш имконияти юзага чиққанлиги, ниҳоят, она тилимизда кўплаб ҳуқуқий

ди. Танлаган касбим тақозо этадиган даражада билимни эгалламасам, малака орттирмасам, мақсад сари илгарилар

бимиз инсон тақдири билан қанчалик боғлиқ эканлигини, де-

ИФТИХОР

ОРЗУЛАРИМИЗ РЎЁБИ

адабиётлар ва дарсликларнинг яратилаётганини илгари тасаввур ҳам этолмасдик.

Мамлакатимизда таълим тизими ҳар жиҳатдан жаҳон андозалари талаблари даражасида ташкил этилган. Кўплаб янги мактаб, лицей, коллежлар қурилди, замонавий ўқув технологиялари жорий этилди. Бу эса биз талабалардан ҳам шунга яраша ўқиш, изланишни талаб қилади. Рости, талабалик фаолиятимда фикран ва зикран улғайгандек бўлдим. Кўз ўнгимда тамомла янги бир руҳий-маънавий дунё намоён бўлди. Бу нурли манзилга яқинлашарканман, биз қураётган жамиятнинг мазмун-моҳияти, шакл-шамойили-ю ҳуқуқий қиёфаси намоён бўла бошла-

бора олмаслигини бутун вужудим билан ҳис этдим.

Ҳар куни дарслар ва машғулотларни давлатимиз мадҳиясини тинглаш ва ижро этишдан бошлаш аънамага айланган. Ҳар бир аудиторияда радиокарнайлар ўрнатилган бўлиб, давлат мадҳияси янграганда вужудимизда фараҳбахш бир туйғу мавжлангандек бўлади. Ростини айтганда, ўша лаҳзада мустақил юртнинг фарзанди эканлигимиз, миллий ифтихор, ўзлимиздан фахрланиш, келажакка умид ва ишонч билан қараш ҳислари бутун вужудимизни чулғаб олгандек туюлади. Қандайдир бир ички масъулиятни бот-бот ҳис этамиз. Қисқаси, шу онларда танлаган кас-

макки, жамиятимизга қанчалик керак эканлигимизни чуқурроқ англагандек бўламиз.

Конституциямиз туфайли биз дунёга қайта танилдик, олам бизни англади. Табиийки, бунёд этаётган янги ҳаётимиз билан яқиндан танишиш, тажрибаларимизни ўрганиш ва биз билан яқин ҳамкорлик қилиш истагида бўлганлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Энг муҳими, биз талабалар ҳозирданок дунё тараққиёти жараёнининг бевосита иштирокчисига айланиб бормоқдамиз. Институтимизда хорижий ташкилотлар ва мутахассислар кўмағида фаолият юритаётган ҳуқуқий ахборот кутубхонаси, инсон ҳуқуқлари ва гуманитар

ҳуқуқни ўрганиш маркази, юридик клиникалар орқали дунё қонунчилиги амалиёти жараёни билан яқиндан танишиб бориш имкониятига эгамиз.

Институтимизда электрон каталог, электрон манбалардаги ахборотлар, интернет хизматидан фойдаланиш, захира манбалар бўйича мавзуларни танлаш хизматлари йўлга қўйилган. Баъзи тенгдошларим интернетда ўз сайтларини очган бўлиб, хорижий олий ўқув юртлари талабалари билан бевосита мулоқот қилиб боришди. Мен ҳам интернетда ўз сайтимни очиш ниятидаман.

Тенгдошларим, ҳатто курд дошларим орасида хорижий олий ўқув юртларида таълим

олиб қайтганлар бор.

Башарти, биз танлаган касбимиз доирасида жамият учун хизмат қила олсак, қийинчиликлар олдида иккиланиб қолмасак, демак, бизнинг фаолиятимиз жамият манфаатларига фойда келтирган бўлади. Меҳнатларимиз самара берган тақдирдагина жамиятимиз тараққиёт зинаполярларидан илгарилар бориши мумкин. Конституциямиз бизнинг зимамизга шундай масъулият юклайди.

Хуллас, биз талабаларга халқаро таълим андозалари талаблари даражасида билим олиш учун барча имкониятлар яратилган. Бинобарин, бундай бахтга истиқлол инояти — Конституциямиз туфайли эришдик.

ЯХЁ ҲАМДАМОВ,
ТДЮИ талабаси

Сайёра РАПИДОВА,
Олий Мажлисининг Инсон
ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)

МОНИАТ

TAJIRIBA

Конституциямиз халқимизнинг кўп асрлик эркинлик, мустақиллик, ижтимоий адолат, миллий давлатчилик, қадриятларни тиклаш каби эзгу орзуларини ўзида мужассамлаштирган.

Президентимиз Бош Қомусимизга баҳо бериб, **бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжат эканини** таъкидлаган эдилар. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Асосий Қонунимиз фуқаровий тотувлик, шахс эркинлиги ва танлаш ҳуқуқини, сиёсий барқарорликни, иқтисодий раванг ва фаровонликни, давлатнинг фуқаролар олдидаги вазифаларини

ҳуқуқлари муаммосини ҳал этишни янги сифат даражасига кўтаришга имкон қадар хизмат қилаётир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа идоралардан фарқли ўлароқ, асосан инсон ҳуқуқларига доир амалдаги қонун ҳужжатларининг самарадорлигига риоя этилиши устидан парламент назоратини олиб боради. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат этади. У ўз фаолиятини тегишли қонунларга таянган, қонунларни ўртага қўйган ҳолда юритар экан, фуқароларнинг мурожаатларини адолат ва умуминсоний меъёрлар нуқтаи назаридан кўриб чиқади, улар

ни истардим.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолиятида баъзи ҳолларда ижроия ҳокимияти идоралари томонидан қабул қилинган айрим ҳужжатлар Конституция меъёрларига зид келган ҳолатларга ҳам дуч келмоқда. Табиийки, бундай ҳужжатлар инсон ҳуқуқларини чеклаб қўяди ва охир-оқибатда инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Бундай ҳолларда ушбу ҳужжатларнинг мазмунини кўриб чиқиш учун ваколатли давлат идоралари билан ҳамкорлик қиламиз. Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар билан ҳам ўзаро ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Асосий Қонунимизда инсон ҳаёти, ҳуқуқлари, унинг шаъни, қадр-қиммати олий қадрият деб эътироф этилган. Конституция-

ҲУРРИЯТ ШАҲОДАТНОМАСИ

Кишилиқ тарихидаги биринчи конституция ҳақида

Ҳолумб Америка қитъасини кашф этгач, европаликлар узлуксиз равишда "янги дунё"га талпинади. Дастлаб йўлга чиққан Буюк Британия фуқаролари 1585 йилда Шимолий Америкага етиб келади ва шу тарихи қитъада қиролликка тобе ўлкалар ташкил топа бошлайди.

Америка қитъасига отланган инсонлар ҳар доим бир оила бўлиб, аҳил-тотув яшашни, бир-бирини астойдил қўллаб-қувватлашни, эркин ва озод, маърифатли жамият барпо этишни орзу қилишган. Уларнинг ўтли тилаклари, биз ё адолатли янги жамият барпо этамиз, ёки бўлмаса, шу йўлда ҳалок бўламиз, деган ёлқинли сўзлари 1630 йили Жон Уинтроп томонидан "Арабелла" кемаси бортига битилган эди.

Кейинчалик мана шу орзумидлар миллионлаб кишиларнинг маънавий эҳтиёжи ва эзгу интилишига айланди. У бегона шароит ва нобоп иқлимда, мушкул ва машаққатли дамларда, бир миллат сифатида бирлашишда, мустақиллик учун курашда, янги ҳаёт ва одил жамиятни барпо этишда одамларга қанот бўлди.

1630 йилнинг 30 июлида қитъада қарор топган мустамлака ўлкалар вакиллари Чарльзтаун шаҳарчасида биринчи "Фуқаролик битими"ни имзолашади. Бу ҳужжат ҳам айнан шу руҳда битилган бўлиб, ҳар бир инсонни муқаддас китоб тамойилларига амал қилиб яшашга, Аллоҳ буюрган, ўзгани ўзингиз каби севинг ва бир-бирингизга оқибатли бўлинг, деган ақидага содиқ қолишга даъват этади.

Энг аввало, мана шу даъват ҳамда эркинлик орзуи, Европа хасталикларида ҳоли бўлган халқчил ва демократик давлат барпо этиш маслаги Буюк Британияга тобе ўлкалар аҳолисини янада жипслаштирди ва фидойилик сари ундади. Лекин Британия қироллиги уларнинг бу эзгу интилишларига кескин монелик кўрсатди, бу билан чекланиб қолмай, ўзига қарам ўлкаларда қатъий тартиб-қоидалар ўрнатди. Мустабид сиёсат халқ манфаатлари устида тегиримон тоши каби айлана бошлади.

Бундай ноҳақликлар, зулм ва зўравонлик аҳоли ўртасида жиддий норозилик келтириб чиқарди. Одамлар топталган ғурурини, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила бошлади.

1774 йилнинг 5 сентябрида Филадельфияда биринчи Континент конгресси чақирилади. Конгресс қатнашчилари Буюк Британияга тобе бўлгани ҳолда ўзларининг ва ўлкаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни кенгайтирилишини талаб этишади. Конгрессда қабул қилинган ҳуқуқ декларациясида америкаликлар қироллик фуқаролари билан тенг ҳуқуқли экани алоҳида уқтириб ўтилади.

Бунга жавобан Буюк Британия аксарият тобе ўлкалар мустақил қабул этган ҳужжатларни бекор қилади, солиқ ва бож тўловларини янада оширади.

Исён содир этилгани учун Бостон порти ёпиб ташланади. Мана шундан сўнг Конкорд ва Лексингтонда ғалаён рўй беради, лекин бу ҳаракатлар шафқатсиз равишда бостирилади.

Инсон қадр-қимматининг поймол этилиши, жабр-зулмнинг жондан ўтиши, исён қилганларнинг қириб ташланиши халқнинг кўтарилишига, кўзғалон келиб чиқишига сабаб бўлади. Қиролликка тобе бўлган ўн уч колонияда ҳам мустақиллик учун кураш бошланади.

Аммо шунга қарамасдан, 1775 йилнинг 10 майида бўлиб ўтган Континент конгресси яна бир бор тобе ўлкалар ва фуқаролар ҳуқуқига доир ўткир ижтимоий масалаларни сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилади.

(Давоми бешинчи бетда)

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

бажаришини таъминлашни кафолатлади.

Ўзбекистонда ижтимоий фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги, кўп партиялилик, сўз ва фикр эркинлиги, эътиқод эркинлиги, манфаатларнинг кўплиги асосида ривожланиши Конституциямизда мустаҳкамланган. Тегишли конституцион меъёрлар нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, балки уларни таъминлаш бўйича давлат идораларининг мажбуриятларини ҳам белгилаб қўйган.

Бугунги кунда республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга бевосита мансуб бўлган юздан зиёд қонунчилик актлари қабул қилинган ва амалда қўлланилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши ва уларни қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қилиниши таъминлаш учун асосий масъулият ижро ҳамда суд ҳокимиятлари идоралари зиммасига юклатилган. Қонунчиликда ўрнатилган тартибга кўра (**"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги, **"Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"**ги Қонунлар) республикамизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқларини тиклаш учун давлат идораси, ташкилоти ёки мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, қабул қилинган қарордан норози бўлганида эса, судга мурожаат қилишга ҳақли. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат институтлари амалий фаолиятининг мавқеи охир-оқибатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги парламент, идоравий, прокурор ва суд назоратининг самарадорлиги даражаси билан белгиланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқлари масалалари билан бевосита шуғулланувчи миллий институтлар ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти шулар жумласидандир. Ушбу институтларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг барчаси ўз ваколатлари доирасида фаолият юритади. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман) институти, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, жамиятимизда инсон

юзасидан таклиф ва тавсиялар беради. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик амалиётини умуминсоний ҳамда халқаро меъёрларга уйғунлаштириш фаолиятимизнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Одатда, инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга фуқаролардан ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилганлиги тўғрисида мурожаатлар келиб тушади. Институтимизда "Ишонч телефони" ишлаб турибди. Ёрдам сўраб, мурожаат этган фуқароларга тушунтиришлар, маслаҳатлар бериб борилади. Зарур ҳолларда мурожаатлар юзасидан текширувлар ўтказамиз, фуқароларнинг ҳуқуқларини поймол қилган мансабдор шахслар суҳбатга чақирилади. Вакилларимиз жойларга бориб, ариза-чилар билан учрашувлар ўтказди, шунингдек, Омбудсман ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия аъзолари, эксперт кенгаши аъзолари ҳамда минтақавий вакилларимиз вакил сифатида суд мажлисларида иштирок этишмоқда. Шикоятларда асосан судларнинг ҳукмлари ва қарорларидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норозилик, шунингдек, тураржой-коммунал, ижтимоий масалалар ва меҳнат низолари баён этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Омбудсман суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу тадбирлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросининг назоратини янада оширишга хизмат қилаётир. Бу ўринда Омбудсман институтининг Конституциявий суд билан ўрнатган ҳамкорлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш-

мизда илгари сурилган асосий ғоялар ва тамойиллар мазмун-моҳияти билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ҳамда халқаро меъёрларга уйғун бўлиб, ижтимоий тараққиётимизни тезлаштириш учун хизмат қилишига шак-шубҳа йўқдир.



ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

Миллатим рус бўлса-да, мен Ўзбекистон фарзандиман. Чунки шу юртда туғилиб, униб-ўсдим. Соф халқона тилда айтадиган бўлсак, киндик қоним шу ерга тўкилган. Шу юртда таълим-тарбия олиб, ўқитувчи деган шарафли касбни эгалладим. Ҳозирги кунда Тошкент Давлат юридик институтида ўзбек ва рус гуруҳларига "Ўзбекистон тарихи" фанидан дарс бераман. Зеро, Ўзбекистон тарихи — менинг тарихим. Унинг келажаги тақдиримга дахлдир.

1 сентябр куни Ўзбекистон ҳаётида улкан тарихий воқеа содир бўлди. Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинди. Курраи заминда янги бир давлат пайдо бўлди ва у ҳудудда яшовчи барча миллат ҳамда элат вакилларини ўз фуқа-

роси сифатида тан олди. Аммо шунга қарамасдан, ўша пайтларда ўзбек миллатига мансуб бўлмаган кўпгина юртдошларимиз турли мишмишчиларнинг васвасаларига учиб, бир вақтлар бобо-момолари яшаган бўлса-да, аммо ҳозирги пайтда ўзларига бутунлай ёт бўлган ўлкаларга кўчиб кета бошлади. Бироқ улар борган жойларида муқим ўрнашиб қололмади. Кўпчилиги бир йил-икки йил ўтмай яна қайтиб кўчиб келди. Чунки уларнинг киндик қони шу ерга томган эди. Қондошлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик саҳийлик уларни Ўзбекистонга чорлади. Дарҳақиқат, ҳар ким ўзи туғилиб ўсган юртида эркин нафас олади ва иззат-ҳурматда яшайди. Бу — исбот талаб этмайдиган ҳаётий

ҳақиқат. Илло, бу дунёда Ватан бебаҳодир. Афсуски, мен шоир эмасман. Шу сабабли ватанни шеърый сатрларда тасвирлай олмайман. Аммо юртимизнинг буюк шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов қаламига мансуб "Ўзбекистон - Ватаним маним" деган мисраларни тез-тез эслаб тураман. Бунинг боиси шундаки, ушбу мисрада бутун Ўзбекистон халқининг ифтихори мужассам. Мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституциямизда Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар юртимизнинг барча фуқаролари ташкил этиши белгилаб қўйилган. Бу эса барча ўзбекистонликларнинг бугуни ва келажаги Бош қомусимиз билан чамбарчас боғлиқ эканини исботловчи ёрқин далилдир.

Игор КУДРЯВЦЕВ,
ўқитувчи

E'ZOR

Ахтам ТУРСУНОВ,

Олий Мажлисининг Мудофаа ва
хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

SHARH

ИНСОН ОМИЛИ — МУҚАДДАС

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга киришилди. Натижада орадан кўп ўтмай мамлакатимизнинг Асосий Қонуни бўлган Конституция қабул қилинди. Бош Қомусимизнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда илғор жаҳон тажрибалари билан бир қаторда узоқ тарихга эга бўлган миллий давлатчилигимиз анъаналари ҳам ўз аксини топган. Шу маънода, Конституциямиз ҳалқимизнинг маданияти, руҳи, эрки ва хоҳиш-иродасини ифода этувчи ўзига хос миллий қомусдир. У ҳалқ тафаккури ва ижодининг маҳсули бўлиб, жаҳон конституциявий бойлигининг таркибий қисми ҳисобланади.

Асосий Қонунимиз демократия ва ҳуқуқнинг замонавий талабларига жавоб берадиган асосий тамойилларни қамраб олган. Шулардан бири ҳалқ ҳокимияти ва ҳалқларнинг тенг ҳуқуқлигини эътироф этиш тамойили бўлиб, Конституциямизнинг плюрализм, яъни сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигини қафолатлашининг ёрқин далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституциямизда шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат манфаатларидан устунлиги эътироф этилган. Шу боис Асосий Қонунда инсон қадри, шахс эркинлиги ва ҳаётини таъминловчи табиий имкониятларнинг юзага чиқишига алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, Бош Қомусимизда инсоннинг қўндалик ҳаётдаги энг муҳим эҳтиёжларини таъминловчи имкониятлар - яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, суд жараёнида шахсий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги қонун

билан қафолатланган. Шунингдек, Конституциямизда фуқароларнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш, давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнидаги ҳуқуқлари ҳам белгилаб қўйилган.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашиш, давлат идоралари, муассасалари ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқлари сиёсий ҳуқуқларни ташкил этади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Асосий Қонунимизда фуқароларнинг моддий неъматларни ишлаб чиқиш ва тақсимлаш борасидаги имкониятлари ҳам ўз ифодасини топган. Мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, бепул умумий таълим олиш ҳуқуқи, ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари шулар жумласидандир.

Асосий Қонунимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатларини ҳам таъминлайди. Ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади. Шунингдек, Конституция вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқларини қафолатлайди, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигини эътироф этади.

Хулоса сифатида айтидиган бўлсак, мамлакатимиз Конституцияси ўз мазмун-моҳияти билан том маънода ҳалқимиз бахтининг қомусидир. Унда инсон омили ва манфаатлари биринчи ўринда туради.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:

Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари соҳасида қуйидаги муҳим қоидаларни белгилади:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоялаш — давлатнинг вазифаси;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қаталоги халқаро-ҳуқуқий андозаларга мос келиши лозим;

учинчидан, инсон туғилган чоғиданоқ ўз ҳуқуқлари ва эркинликларига эгадир;

тўртинчидан, тенг ҳуқуқлилик қоидаларига мувофиқ ҳуқуқ ва эркинликлар ҳаммага ва ҳар кимга тенг даражада берилган;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қонунларнинг мазмуни, моҳияти ҳамда уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қўлланилишини белгилаб бермоғи даркор;

олтинчидан, фуқароларга судда ҳимояланиш қафолатланган;

еттинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмаслиги шарт.



ДАВЛАТЧИЛИК ТИМСОЛИ

Saboq

Бош Қомусимизда умумбашарий қадриятлар билан бирга ҳалқимизнинг азалий миллий тафаккури, адолат, олижаноблик, бағрикенглик ҳақиқат ва инсонпарварлик, ахлоқ-одоб, ота-онага бўлган ҳурмат каби улғў фазилатлари ҳам ўз аксини топган. Шу сабабли ҳам бу Қонунлар мажмуи ҳалқимиз ва дунё ҳамжамиятининг чуқур эътирофига сазовор бўлди. Конституциямизнинг яна бир муҳим хусусияти уни оддий, содда ва барча учун тушунарли тилда ёзилганлигидир. Конституция меъёрларида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият ҳам эътироф этилган.

Шу ўринда Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг собиқ шўро давридаги конституциядан фарқлари нималардан иборат деган

савол туғилади. Биринчидан, бу Конституция — суверен демократик давлат Конституцияси бўлиб, ҳеч қандай давлат Конституциядан кўчириб олинмаган; иккинчидан, қомусимизда ҳокимиятни — қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципи ўз ифодасини топган; учинчидан, бунда ҳалқ манфаати биринчи, давлат манфаати иккинчи ўринга қўйилган; тўртинчидан, давлатнинг жамият ва фуқаролар олдидаги бурчлари аниқ белгилаб кўрсатилган; бешинчидан, бу муҳим ҳужжатда яқка партия ҳукмронлигига барҳам берилди; олтинчидан, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатланган.

Конституциямиз мустақил давлатчилигимизнинг тимсолидир. Шу боис мамлакатимиз фуқаролари ўз бош қонунини яхши билса, ўз ҳақ-

ҳуқуқлари поймол этилган жойда қонун ҳимоясига таянадилар, айти пайтда давлат олдидаги ўз бурч ва вазифаларини ҳам яхши англаб етадилар. Ҳозирда мамлакатимизда Конституцияни ўрганиш ишлари кенг миқёсда йўлга қўйилди. Хусусан, бу масалага тегишли бўлган дастурлар, дарслик ва қўлланмалар яратилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам бу борада кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бу каби тадбирлар мамлакатимизнинг Асосий Қонуни мазмун-моҳиятини чуқур билиш ҳамда у билан фахрланиш туйғусини шакллантиришга қаратилган. Зеро, ўз мамлакатини Конституциясини билиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ва вазифаси ҳисобланади.

А. ОМОНОВ,
ҳуқуқшунос(Давоми.
Боши тўртинчи бетда)

Лекин бу ҳеч қандай самара бермайди. Вазият ниҳоятда кескинлашган, 14 июнь куни Конгресс доимий армия тузиш ҳақида қарор қабул қилади.

Мустақиллик учун кураш шиддатли тус олади.

Айниқса, Бостон яқинида, Банкер-Хилда бўлган тўқнашув Буюк Британия армиясини шошириб қўяди. Бу жангда 1150 аскардан айрилган қироллик ўзига тобе ўлкаларда мустаҳкам тартиб ўрнатиш учун 20 минг аскардан иборат кўшин жўнатишга қарор қилади.

Худди шу пайтда, 1976 йилнинг 4 июлида Континент конгресси Мустақиллик декларациясини қабул қилади. Унда шундай ёлқинли сўзлар битилган эди:

"Биз шунга аминмизки, Аллоҳ таоло барча одамларни тенг қилиб яратган ва уларга ҳеч ким маҳрум эта олмайдиган ҳуқуқлар берган, яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва бахтли ҳаётга интилиш ҳуқуқи мана

шулар жумласидандир. Бу — исбот таллаб этмайдиган ҳақиқат.

Аллоҳ инъом этган ҳуқуқларни таъминлаб берсин деб одамлар ҳукумат таъсис этадилар. Уларнинг хоҳиш-иродаси одил ҳукуматнинг қонуний ваколатлари ҳисобланади..."

Мустақиллик декларацияси Буюк Британия қироли Георг IIIга ҳақли таъна-маломатларни ҳам ўзида ифода этган. Шу билан бирга, мазлумлар орзу қилган янги кўринишдаги демократик давлат унда алоҳида таъкидланган. Давлат тузилишининг асоси сифатида ҳалқ суверенитети эълон қилинган.

Мана шу жиҳатлари билан мазкур расмий ҳужжат кишилиқ тарихида янги бир даврни бошлаб беради.

Континент конгрессида бирлашган мустанлака ўлкалар Буюк Британия истиб-

додидан "озод ва мустақил Штат (давлат)лар" деб тантанали равишда эълон қилинди ва шу тариқа Америка Қўшма Штатлари ташкил топди.

Шунингдек, Конгрессда федерал республика ҳукуматини шакллантиришга даъват этилди.

Америкаликларнинг озодлик йўлидаги жанговар кураши 1781 йилнинг охирига қадар давом этади, бу даврда Буюк Британия аскарлари сони 48 минг нафарга етган эди. Аммо шунга қарамадан Виргиниянинг Йорктаун шаҳри яқинида қўлга киритилган мислсиз галаба америкаликларнинг мустақиллигини тўла таъминлайди ва янги жамият барпо этилишига йўл очади.

1787 йилнинг 17 сентябрида Континент конгресси Америка Қўшма Штатларининг биринчи умуммиллий Конститу-

циясини тасдиқлайди. Америка халқининг орзу-умидлари, эзгу интилишлари ўз ифодасини топган ушбу Конституция кейинчалик "Ҳуқуқ ҳақида ҳужжат" ва яна ўзгартиш ҳамда қўшимчалар билан бойитилган. Шу тариқа қулдорлик таъқиқланган; Колумбия федерал округи Президент сайловида алоҳида сайлов округи сифатида фаолият кўрсатиши; ўн саккиз ёшга тўлган ҳар бир фуқаронинг, ранги ва ирқидан қатъи назар, овоз бериш ҳуқуқи қафолатланган...

АҚШдек қудратли давлатнинг, эркин ва маърифатли жамиятнинг, ҳавас қилса арзийдиган турмуш фаровонлигининг таъмал тоши бўлган ушбу ҳуқуқий ҳужжат, эндиликда бу бекиёс бунёдкорлик ишлари ўз вақтида оғир қийинчиликларни енгиб ўтиб, сабот ва матонат билан амалга оширилганини ҳам ёдга солиб туради.

Ғаффор ҲОТАМОВ

ҚУРРИЯТ ШАҲОДАТНОМАСИ

Tajriba

циясини тасдиқлайди.


Дунёнинг ривож топган демократик давлатларида Конституцияни ижтимоий тараққиётнинг ҳуқуқий мезони деб билишади. Шу боис фуқаролар кундалик турмушларида Конституция белгилаб берган қоидаларга тез-тез мурожаат этиб туришади. Бошқача айтганда, тараққиёт этган демократик давлатларда Конституция фуқароларнинг чинакам ҳуқуқий таянчи ва ҳуқуқий ҳимоя кўргонига айланган.

ларнинг 1-4-синфлари учун «Конституция алифбоси» методик қўлланмаси, 5-7-синф ўқувчилари учун «Конституция оламига саёҳат» методик қўлланмаси, 8-9-синф ўқувчилари учун «Давлат ҳуқуқи асослари», 10-11-синф ўқувчилари учун «Конституциявий ҳуқуқ асослари», «Конституционное право» ва «Правоведение» ўқув қўлланмалари, шунингдек, ўқитувчилар учун методик қўлланма тайёрланиб, нашр

Targ'ibot

этиш комиссияси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва давлат идоралари ўзаро ҳамкорликда Асосий Қонуни-мизнинг давлат ва жамият ривожига аҳамияти, унинг инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг кафолати экани

MINNATDORLIK

БАҒРИКЕНТЛИК
НАМУНАСИ

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ўз мустақил Конституциясини эълон қилди. Бу муборақ қомусда барча соҳада фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланиб, ижтимоий адолат ўрнатилди. Барча учун эътиқод эркинлиги кафолатланди. Ҳозир

ЗАРУР ҲУҚУҚИЙ ДАСТУР

Шуни мамнуният билан эътироф этиш жоизки, ўтган ўн йил ичида бизнинг Асосий Қонунимиз ҳам турмуш тарзимизнинг мезонига айланиб бормокда.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги (2001 йил, 4 январь) Фармойиши эълон қилинган, тез орада ушбу муҳим ҳужжатни изчил ўрганиш тизимига асос солинди. Бу тизимга мувофиқ Асосий Қонунимизни ўрганиш дастурини яратиш, унинг асосида махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Мазкур дастурда Конституциямизни боғча ёшидаги болалар, мактаб, лицей ўқувчилари ҳамда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири талабалари ўртасида, шунингдек, маҳаллаларда ўқитиш ва тарғиб этиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган махсус ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратиш режалари белгилаб берилди. Дастур асосида олий ва ўрта махсус ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари томонидан боғча ёшидан бўлган болалар учун «Конституция сабоқлари» дастури ва ўқув қўлланмаси яратилди, ўрта мактаб-

этилди.

2001 йил 1 сентябрдан бошлаб мамлакатимизда узлуксиз ҳуқуқий таълимни боғчадан бошлаб, олий ўқув юртлирининг энг юқори таълим босқичи бўлмиш магистратурасига ўқитиш ишлари ташкил этилди.

Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курси дастури асосида ўзбек ва рус тилларида ўқув қўлланмалари ва методик қўлланмалар тайёрланиб, чоп этилди.

Олий таълим тизимининг бакалаврият ва магистратура босқичининг юридик йўналишидан бошқа йўналишлардаги талабалари учун «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув қўлланмаси тайёрланиб, чоп этилди. Юридик мутахассислиги бўйича таълим олувчи талабалар учун эса «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи» дарслиги Тошкент давлат юридик институти ва Ички ишлар вазирлиги Академияси профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида нашрдан чиқарилди.

Конституцияни ўрганишни ташкил

тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормокда. Шунингдек, Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида 35 нафар энг иқтидорли талабадан иборат тарғибот ва ташвиқот гуруҳи тузилиб, Юнусобод туманидаги мактаб ҳамда маҳаллаларда Конституцияни ўрганиш бўйича савол-жавоблар ўтказмоқдалар.

Шу кунга қадар маҳаллаларда «Конституция — менинг тақдиримда», «Конституцияни ким яхши билади?», «Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари», «Конституция бизга нима бери-ди?» мавзуларида 12645 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

Ҳозирги кунда ҳам Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда вилоят ва туманлардаги маҳаллаларда, қишлоқларда ҳам Бош Қомусимизни ўрганиш ишлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормокда.

Даврон АХМЕДОВ,
Конституцияни ўрганишни
ташкил этиш республика
комиссиясининг котиби,
ТДЮИ проректори

ЭЪТИРОФ

Европада ҳали конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлмаган даврларда Амир Темур давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси — «Тузуқлар» мавжуд бўлиб, у амалда эди.

ЛОГОФЕТ

Ўзбекистон Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарсаси мавжуд. Унда узок йиллар давомида тоталитар-мустақил тартибнинг хомхал демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги «шўрочиликлар» барҳам топтирилган.

Л. ЛЕВИТИН



Huquqiy muhofaza

хўжалиги тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши тўғрисида»ги, «Тижорат банклари-нинг бюджетдан ташқари

Хуллас, мамлакатимиз қонунчилиги тадбиркорликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига кафолат беради, уларнинг ҳуқуқи ва масъулиятини аниқлайди. Тадбиркорларнинг бошқа қорхона ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади. Қонунчилик

мамлакатимиз тараққиётида тадбиркорлик ҳаракатининг ўрни бекиёсдир. Шу боис Бош қомусимиз бўлган Конституциямизнинг 53-моддасида Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши белгиланган. Бунга кўра, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устул-лигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият тадбиркорлик ва меҳнат эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий ҳимоясини тан олади.

Конституциянинг 36,53,54-моддаларига би-ноан, мулкдор ўз мулкига ўз ихтиёрига кўра эгалик қилиш, фойдаланиш ва та-саруф қилишга ҳуқуқлидир. Ҳозирги вақтда мамлака-тимизда фермерлик, хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари фа-олиятини ҳуқуқий асословчи Фуқаролик кодекси, «Қиш-лоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғри-сида»ги, «Фермер хўжали-ги тўғрисида»ги, «Дехқон

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТИ

фондларнинг кредит линия-лари ҳисобига яққа тадбир-корлар, кичик ва ўрта биз-нес субъектларини кредит-лаштириш тартиби тўғриси-да Низом» каби кўпдан-кўп қарорлар қабул қилинган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда тадбиркорлик-ни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини белги-лайди.

фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини, бутун имкони-ятларини ишга солиш, улар-нинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ри-вожлантиришнинг ҳуқуқий ка-фолатларини белгилаш асо-сида бозор муносабатлари-ни шакллантириш ва ривож-лантириш жараёнини жадал-лаштиришга қаратилган.

Сотиболди БОБОКУЛОВ,
юридик фанлари номзоди

Манбаларда қайд этилишича, Туркистонда католиклар черковини қуришга 1912 йилда кири-шилган қурилишда биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистонга ҳар-бий асирлар меҳ-натидан фойдала-нилган. Чунки улар-нинг орасида мала-кали врачлар, муҳан-дислар, архитектор-лар, хайкалтарошлар, маҳоратли тош йўнувчи-лар кўп эди. Черков қури-лиши муайян узилишлар би-лан 1922 йилгача давом эта-ди. Ўлақада шўро салтанати ўрнатилгач, кўплаб масжидлар, мадрасалар қатори бизнинг кўстелимиз ҳам оёқости қилинди. Диндорлар таъқиб остига олинаиб, айримла-ри «Гулаг»ларга жўнатилди, бошқалари НКВД қамоқ-хоналарида отиб ташланди...

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг мамлакат-да яшовчи оз сонли халқларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам давлат томонидан ҳимояланиб, ижтимоий адолат та-мойиллари қарор топди. Жумладан, диндорлар ҳаётида ҳам кўплаб янги ўзгаришлар юз берди. Истиқлол шарофати билан мамлакатда инсонпарвар-лик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва биродарлик, диний бағри-кенглик тамойиллари қарор топди. Энг муҳими, ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни бўлган Конституцияда кафолатланди. Бошқача айтганда, ди-ний эътиқод эркинлиги амалда таъминланди. Бунинг нтижаси ўларок, Тошкентдаги католиклар кўстели ҳам қайта таъмирдан чиқарилиб, бу даргоҳга тоат-ибо-датга келувчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Шу йилнинг октябр охирида Ўзбекистонга дўстона ташриф билан келган Польша мамлакати Президенти Александр Квасневский ҳам ибодатхонамизга ташриф буюриб, поляк миллатига мансуб бўлган ватандошлар-и билан суҳбатда бўлди. Ҳалок бўлган польшалик асирларга бағишланган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди. Биз католик руҳонийлари, диндор аҳоли муҳ-тарам меҳмон бизларни йўқлаганидан бошимиз ос-монга етди.

Хулоса сифатида айтишдан бўлсак, Ўзбекистонда инсон манфаатларини қаноатлантирилиши лозим бўлган барча шарт-шароит ва имконият яратилган. Улар мамлакат Конституциясида акс этгани билан яна-да эътиборлидир.

О. КИШИШТОФ КУКУЛКА,
Ватикан элчихонасининг Ўзбекистондаги атташеси, Рим католик черкови ординариси

Шўро замо-нида бор йўғи 89 та масжид ва иккита мадраса бор эди. Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган 1873 дан ортиқ масжид фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу пайтга келиб мамлакатимизда 15 турдаги 240 дан зиёд бошқа диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар қаторида православлар, яхудиёлар, баттистлар, адвентистлар, католиклар, лютиранлар, криш-наитлар, буддистлар сингари бир қатор дин ва мазҳабларни сан-наб ўтиш мум-кин.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда ҳар бир фуқаро, ОАВ ва журналистларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар яратган асарларнинг дахлсизлигини таъминлаш ва эркин фаолият кўрсатишлари билан боғлиқ йўналишда изчил сиёсат олиб боришда. Конституцияда белгиланган бу ҳуқуқлар матбуот ва ахборотга доир бир қатор соҳа қонунларида ўз аксини топган. Жумладан, **“Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги, **“Ахборот олиш кафо-**

ҳимоя этилишини таъминлаш, ахборот бозорини шакллантиришда ҳалол рақобатни юзага келтиришга кўмаклашиш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Агентлик қошида Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази ҳам ташкил этилди. Бундай янги тузилманинг фаолияти матбуотни эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги катта қадам бўлди. Марказнинг асосий вазифаси

То'rtinchi hokimiyat

матига ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Бугунги кун оммавий ахборот воситаси инсоний мезонларга ҳурмат назари билан қараб, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати, уларнинг дини ёки шахсий ҳаётлари билан боғлиқ масалаларга путур етказмасликлари, оила, давлат сирини, шунингдек, қонун билан муҳофазат этилаётган бошқа сирларга дахл этмасликлари лозим.

Кейинги вақтларда ОАВнинг ҳуқуқий мақомини кенгайтириш, ваколатини янада ошириш, муассислар билан таҳрирлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида амалдаги соҳа қонунчилигига бир қанча

Хайрат тантанаси

Одам табиатида мўъжизаларга ўчлик бор. Эҳтимол, бу туйғу кўп аждодларимизнинг табиат гаройиботларидан бир қадар кўркув билан туйган завқ-шавқларидан мерос туйғудир.

Нима бўлгандаям, ўтган аждодларимиз биздан кўра кам завқланишган, гарчи мўъжизалар, бир қарашда, бизнинг замонда ҳар қадамда юз кўрсатиб турган бўлсада. Инсон зотининг Ойга одим ташлаганидан тортиб, унинг пешонасига нималар ёзилганини “ўқиш” имконига эга бўлаётган, яъни одам генидаги кодларни кашф этишга уринишгача бўлган давр, коинот умрига қиёслаганда, эҳтимол, киприк қоққулик фурсатга ҳам тенг эмасдир. Ва шу давр ичида яратилган буюк ихтиролар, юз берган жаҳоншумул ҳодисалар одамларни бир қадар мўъжизага тўйдириб қўйгандай...

“Асрий орзу-умидлар”, деймиз. “Елкамизга офтоб тегди”, деймиз.

Ҳа, булар рост, бутун бир миллатнинг ёки “қизил салтанат” чодир тагидан бутун бир элу элатлар, халқларнинг озодликка чиқиб кетгани — СССРнинг музтоғдай эриб, йўқ бўлиб кетгани — бу мўъжиза эмасми?!

Мустахлак зулми ва қарамлик жабрини тортган, камситишлар, таъйиқ ва қатъонларни бошидан ўтказган халқимиз хурриятга интилиш йўлидан қайтмаган. Озодлик ва Истиқлол учун кураш йўлида жуда кўп қурбонлар берган. Оламшумул Мўъжиза замирида ана шу ҳақиқатлар ётибди. Шуларнинг моҳиятига чуқур етиб боришимиз, амалу эътиқодимизда ана шу

қадриятларимиз устуворлигини сақлашимиз лозим.

Истиқлол йиллари мустақиллик йўлида азиз жонларини фидо қилган ватандошларимиз хотираларини абадийлаштириш бўйича жуда кўп хайрли ишлар қилинди. Хиёбонлару музейлар, зиёратгоҳлару бутун бир мажмуалар... Ватан озодлиги йўлида шахид бўлганлар ёдини хотирламоқ кўтлуг аъна тарзига айланди. Булар барчаси аждодларга юксак ҳурмат, эҳтиромимиз, албатта. Бироқ энг муҳими, булар биз — бугунги ўзбекистонликлар учун, ортимиздан келаётган ёш авлод учун ибрат тимсоли: токи кимларнинг авлоди эканимизни унутмайлик, озодлигимиз қадрини ҳар нафасда ҳис этиб турайлик.

Яъни айтмоқчи бўлганим — мўъжизаларга кўникиб қолмайлик.

Бир шоирнинг шундай сатрлари бор: “Ўрганиб қолмагин мўъжизаларга, Хайратга туш, хайратга!”

Хайрат нигоҳидан мосуво киши учун ўтган йиллар оддий қоғоз-клёнчаларнинг тўзғоқ варақларидай гап.

Мўъжизалардан дийдаси қотган одам атиргулнинг кипкирил ранги-ю, муаттар ҳидида бутун бир Самовий Қудрат сеҳри мужассам экани қайдан билсин. Китобни кўрганда кўнглида билишга иштиёқ жўш урмаган киши уни қўлга бир буюмдай олади, сўраса ҳам фақат нарҳини сўрайди.

Мана шунинг учун ҳам дунёда кутлуг саналар тайин этилади, катта тантаналар билан нишонланади, тартиб-ташвиқ қилинади: токи одамлар умрлари юксак мақсадлар билан безансин; токи осмонда Қуёш барқарор экан, она юртида бошини мағрур кўтариб, озод яшаётганидан ғурурлансин.

Гурур, ифтихор туйғуси. Бу бундан ўн бир, ўн икки йил наридан — яқин ўтмишдан туриб қараган кишига чинакам мўъжиза бўлиб туюлса, ажабланмаймиз. Чунки ўша даврда Ўзбекистонимизнинг мустақил бўлиб, дунёга танилиши ва тан олинишини тасаввурга сиғдириш қийин эди...

Бугун эса биз Бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган куннинг ўн йиллигини нишонлаб турибмиз. Бу — чексиз шукроналар билан қабул қилинадиган умумхалқ айёми. Бу хур диёримиз истиқболнинг чинакам мўъжизаларга бой, эллар ва юртлар хайратига сазовор бўлиши имконининг тантанасидир.

Аҳмад ОТАБОВ,
журналист

Izhor

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда

Ўзбекистон

Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида
00141-рақам билан
рўйхатга олинган

Бош муҳаррир:
**Шодиқул
ҲАМРОЕВ**

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бўритош МУСТАФОВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР

ҲАЙЪАТИ:

Сойфиддин РАҲИМОВ
Ғофур АБДУМАЖИДОВ
Истом ҲАМРО
Халпа НОРБОВ
Шўҳрат ФАЙЗИЕВ
Нормейли НОРТУЛАТОВ

Ушбу сондаги
суратлар муаллифи:
**Абдуғани
ЖУМАЕВ**

Дизайнер ва
саҳифаловчи:
**Жаффар
ЖАББОРОВ**

Навбатчилар:
Тўғтамурад ҲАСАНБОВ,
Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

МАНЗИЛИМИЗ:

700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 136-72-37
(умумий бўлим),
133-70-65, 133-84-50

«ИНСОН ВА ҚОНУН»
газетаси таҳририяти компютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табак ҳажмида, офсет усулида «Press-TJ-Print» ёпиқ акциядорлик жамияти босма-хонасида босилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 1-уй.

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрисидаги умумий масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Буюртма № 631-5000-02

ЖАМИЯТНИНГ
ҚУДРАТЛИ ЖАРЧИСИ

латлари ва эркинликларни тўғрисида”ги, **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги, **“Ноширлик фаолияти тўғрисида”**ги, **“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”**ги қонунлар журналистлар, ОАВ, ноширларнинг ижодий фаолияти ва эркинлигини таъминлашга қаратилган.

Президентимиз Ислам Каримов шу йил Матбуот ҳодимлари кўни муносабати билан соҳа ҳодимларига йўллаган табригида таъкидлаганидек, **жамиятимиз ҳаётида сўз эркинлиги таъминлини тўла татбиқ қилиш, бу масалада ривожланган демократик давлатлар эришган даража ва андозаларга эришиш учун кейинги йилларда соҳа қонунчилигини таъминлаштириш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилади.** Хусусан, Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Республика Матбуот қўмитаси тугатилиб, унинг ўрнига Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ташкил этилди.

Агентлик зиммасига оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятига доир конституциявий ҳуқуқлар ва қонунчиликнинг сўзсиз бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатлари таъминлини мониторингини олиб бориш, ОАВ, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан, мазкур фаолият турларида рўйхатга олиш ишларини бажариш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш, ОАВ томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, ахборот тайёрлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасида фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

оммавий ахборот воситалари соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, матбуот эркинлиги кафолатлари юзасидан мониторинг олиб бориш, яъни қузатувни ташкил этиш, фуқароларнинг турли ахборотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш, ноширлик ишлари, матбаачиликнинг кенг ривожлантирилишига кўмаклашиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ахборотларни тайёрлаш, тарқатиш, улардан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқлар ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда ноширлик фаолиятини лицензиялаш ва унга кўмаклашишдан иборат.

Мониторинг хизмати АҚШ, Франция, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларда нуфузли ҳамда таъсирчан ташкилот саналади. Чунки бу мамлакатларнинг соҳа қонунлари ижроси ва унинг самарадорлиги ОАВларининг эркинлигини таъминлаш ҳар жиҳатдан мониторинг хиз-

ўзгартириш ва тўлдиришлар киритилди. Жумладан, иккинчи чакирқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги қонунга киритилган ўзгартиришлар фикримизнинг далилидир. Шунингдек, **“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”**ги қонуннинг иккинчи ўқишда қабул қилинаётгани ҳар бир шахс, журналист, ОАВ ва бошқаларнинг ахборотларни ҳеч бир менежисиз, тез ва қулай олиш ҳамда эркин тарқатишларини таъминлашга қаратилган.

Хулоса шуки, мамлакатимизда ОАВ фаолиятини янада эркинлаштириш, уларнинг тўла мустақиллигини таъминлаш, уларни жамиятда ижтимоий фикрни шакллантирувчи кучга, ўтказилаётган ислохотларимизнинг жарчиларига айлантириш асосий вазифалардан биридир.

Бобоқул ТОШЕВ,
хуқуқшунос

Айёмингиз муборак
бўлсин!

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида бир қатор чоратадбирлар амалга оширилди. Айниқса, бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимида судларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва одил судловни таъминлашга қаратилган тўб ислохотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жумладан, **“Судлар тўғрисида”**ги Қонуннинг янги таҳририда қабул қилиниши ҳамда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда суд тизимини такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган Фармони билан умумий юрисдикция судларининг фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судларга ихтисослаштирилиши сўзимизни далиллади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундай ихтисослаштирув мамлакатимизда МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб жорий этилди. Шунингдек, фуқаролик ва жиноий ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқиш тартиби ҳам татбиқ қилиниб, судьяларни танлаш ва тайинлашнинг янги тартиби ўрнатилди.

Суд қарорларини ижро этиш ҳамда судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

таъминлаш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти томонидан амалга оширилаётган бўлди. Мазкур идоранинг ташкил этилиши судлар мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишига имкон яратиб берди.

Президентимиз ташаббуси билан жиноий жазо тизимининг либераллаштирилиши, хусусан, жиноят-процессуал қонунчиликда тамомла янги — ярашув институти жорий қилинишини ҳам эътиборга молик ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин.

Жиноий жазо чораларини либераллаштириш бўйича қабул қилинган жиноят-процессуал қонунчилигидаги ўзгартиришлар суд ишларининг адолатли кўрилишини таъминловчи ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг аҳоли наздидаги мавқеини оширувчи жиддий воқеа бўлди.

Баён этилган суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш борасидаги чоратадбирларнинг бар-

часи мустақил диёримиз Конституциясининг қабул қилиниши ва унда белгиланган судлар мустақиллиги ҳамда одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши каби конституцион принципларга асосланган ҳолда амалга ошириб келинаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Зеро, мамлакатимиз Бош Қомусининг 112-моддасида белгиланганидек, **судьялар мустақилдир ва улар фақат қонунга бўйсундилар.** Шунингдек, **судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашаётган йўл қўйилмайди ва бундай аралашаётган қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.**



Хулоса шуки, Конституция бутун ҳуқуқий тизимимизнинг асоси ҳисобланиб, мамлакат ва давлат ривожининг асосий тамойил ҳамда йўналишлари, ўзбек давлатчилигининг ҳуқуқий асослари, шахс ҳуқуқ ва эркинликларни конституциявий кафолатларини белгилаб беради.

Акмал БУРҲОНОВ,
магистр

Sud hokimiyati

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ. 13-МОДДА



Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.
Ўзбекистон Конституцияси. 41-модда

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Конституцияси. 52-модда



Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг амалга оширади.

Ўзбекистон Конституцияси. 76-модда



Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран енгидиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Конституцияси. 31-модда



Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.
Ўзбекистон Конституцияси. 49-модда



Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Конституцияси. 63-модда



Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Конституцияси. 40-модда

